




1. Пиëз энг кўп етиштириладиган ҳамда пазандачиликда энг кўп қўлланиладиган сабзавотлардан бири ҳисобланади. Халкимизнинг хар бир хонадонидида пишириладиган аксарият таомларнинг тайёрланиши бевосита пиëз билан боғлиқдир. Шу боис уни етиштиришни пухта ўрганиб олиш фойдадан холи эмас. Пиëз жуда ҳам серҳосил экин. Экиш муддатини тўғри танлай билиб, икки муддатда эккан ҳолда бир мавсумда бир оила учун етарли миқдордаги пиëз етиштириб олиш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, пиëз бошқа сабзавотларга нисбатан анча узоқроқ сақланади. Ҳозирги кунда пиëзнинг кўпгина серҳосил, касалликларга чидамли, сақлашда узоқ вақт кўкариб кетмайдиган нав ва дурагайлари Давлат Реестрига киритилган бўлиб, республикамиз ҳудудларида муваффақият билан етиштириб келинмоқда.

## 2. ЎСИМЛИК ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Ҳозирги кунда пиëзнинг фунгицидлар билан ишлов берилган ва кумалокланган уруғлари мавжуд. Уруғлар бир текисда унамслиги мумкин. Шунингдек ўсимлик нам баҳор ва иссиқ ёз ойларида бир текисда ривожланмаслиги мумкин.




Уруғ экилгандан майсалар униб чиққунча бўлган вақт	15-20 кун
1 гр. даги уруғ сони (ўртача)	290 та
1 м узунликдаги қаторни ўртача ҳосили	1,5-2 кг
Уруғ унвчанлигининг сақланиш даври	1-2 йил
Уруғ экилгандан ҳосилни йиғиб олишгача бўлган вақт	40 ҳафта (августда экилганда) 22 ҳафта (баҳорда экилганда)
Ўсимликнинг ўзига хос хусусиятлари	Етиштириш осон, фақатгина бегона ўтлардан мунтазам тозалаб туришни талаб этади.

3. Пиëзни хар йили битта жойда етиштириш тавсия этилмайди. Пиëз учун хар йили томорқангизда янги жой ажратинг.

4. Уруғлар куёшли, яхши зовурланган тупроқларга сепилади. Ер етарлича миқдорда гўнг ёки компост солинган ҳолда кузда чопиб кўйилади.

5. Экиш олдидан эгатлар тайёрланади. Тупроққа комплекс минерал ўғитлар солиниб юзаси хаскаш ёрдамида майда кесакчали кўринишга келгунча юмшатиб чиқилади.



6. Баҳорги экишда майсалар икки марта ягана қилинади: биринчиси майсалар кийғос униб чиққанда ўсимликлар орасида 2,5-5 см см қолдирилиб, иккинчиси бироз муддат ўтгач ўсимликлар орасида 10 см қолдириб яганалаб чиқилади. Яганалашдан олдин майсалар суғорилади. Яганалаш эҳтиёткорлик билан амалга оширилади, юлинган ўсимликлар дарҳол йўқотилади, чунки у пиëз пашшасини ўзига жалб қилиши мумкин.

7. Агар уруғлар кўкпиëз олиш мақсадида сепилса, у ҳолда ўсимликлар орасидаги масофа 2,5-3 см, қатор ораси эса 10 см қилинади.

КАЛЕНДАРЬ												
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Уруғни экиш												
Ҳосилни йиғиш												

8. Ўсимликлар атрофи мунтазам юмшатилади, бегона ўтлар йўқотилади. Вақти-вақти билан суғориб турилади ва озиклантирилади. Агар уруғлар кузда экилган бўлса, баҳор бошланиши билан ўсимликлар озиклантирилади.

9. Агар ўсимликлар уруғноя чиқариб юборса, дарҳол улар синдириб чиқилади. Пиëзбошлар тўлишгач суғориш тўхтатилади.

10. Пиëзбошлар, қачонки уларнинг барги сарғайиб ётиб қолганда пишган ҳисобланади. Бу ҳолатдан икки ҳафта ўтгач куруқ кунларда пиëзлар боғ паншаҳиси ёрдамида эҳтиёткорлик билан қавлаб олинади.

11. Қуритиш пиëзнинг нави ва катталигига кўра, шунингдек, ҳавонинг ҳароратига боғлиқ равишда бир ҳафтадан уч ҳафтагача давом этиши мумкин. Қуритиш пайтида пиëзлар доимо назорат қилиб турилади. Юмшоқ, йўғон бўйинли, пўстида доғлари бор пиëзлар озик-овқатга ўша захоти ишлатилиб юборилади.

12. Сақланадиган пиëзлар яшиқлар, қоплар, тўрсимон қопларга жойланади. Куруқ ва ёруғлик яхши тушадиган салқин жойда баҳоргача сақланиши мумкин.

13. Аналик пиëз аксарият ўткир ўрта ва кўп уяли пиëз навларида уруғидан етиштирилади. Мазкур ҳолатда уруғ етиштириш доираси 3 йил давом этади.

14. Сепма-пиëз (диаметри 1-2,5 см бўлган майда пиëзчалар) уруғни қалин сепиш натижасида олинади. Уруғ эрта баҳорда қаторлар оралиғи 45 см бўлган бир қаторли схемада ёки лентасимон усулда – лента оралиғи 50 см ва лентадаги қаторлар оралиғи 20 см бўлган схемада сепилади. Кўп қаторли лентасимон сепилганда лентадаги қаторлар оралиғи 10-15 см ва ленталар оралиғи 50-60 см қилинади.

15. Етиштириш минтақасига боғлиқ равишда 1 м<sup>2</sup> майдонга 5 дан 10 г гача уруғ сепилади (жанубий туманларда экиш меъёри камроқ). Экиш чуқурлиги 1-2 см.

16. Пиëз уруғи жуда секин ўсади. Майсаларнинг униб чиқишини тезлаштириш учун экиш олдидан уруғлар бир кун хона ҳароратидида

сувда ивотилади. Сув 2-3 марта алмаштирилади. Ивотилган уруғлар сочилувчан бўлгунга қадар қуритиб олинади. Ивотилган уруғлар нам тупроққа экилганда 6-7 кунда униб чиқади. Қаторда ўсимликлар оралиғи 1-2 см бўлиши лозим. Сепма-пиëз яганаланмасдан етиштирилади. Систематик равишда бегона ўтлар йўқотилади ва тупроқ юмшатиб турилади.

17. Терим пиëз барглари ва пиëзбошчасининг устки қатлами сарғайиб қурий бошлаганда амалга оширилади. Ўсимликлар суғуриб олинади ва дастлаб майдонда, сўнгра бостирма остида қурилади. Қуриган пиëзларнинг барг тўпи кесиб ташланади, бунда пиëзбошининг бўйни 2 см дан ортиб кетмаслиги лозим. Сепма-пиëз панжара воситасида фракцияларга ажратилади. Аналик пиëзларни етиштириш учун диаметри 1,5-2,5 см бўлган пиëзбошчалар қолдирилади.

18. Сепма-пиëз киш даврида куруқ биналарда 15-20 см қалинликда 18-20°C ҳарорат ва 60-65% нисбий ҳаво намлигида сақланади.

19. Сепма-пиëздан оналик пиëз ўстиришга ажратилган майдоннинг хар 1 м<sup>2</sup> майдонига 15-20 г аммиакли селитра ва 30-40 г суперфосфат ёки 100-150 г кул солинади. Сепма-пиëзни ўтказиш эрта бошланади. Пиëзлар баҳорда қаторлар оралиғи 45 см бўлган бир қаторли ёки икки қаторли ленталарга 50+20 см схемада экилади. Сепма-пиëзни кўп қаторли ленталарга ҳам экиш мумкин. Бунда лентадаги қаторлар оралиғи 15 см ва ленталар оралиғи 50 см бўлади. Экиш учун ёғоч маркер билан эгачалар очиб чиқилади, унга пиëзчалар бир-бирдан 6-8 см масофада жойлаштириб чиқилади ва 5 см қалинликда тупроқ билан кўмилади. Майда пиëзчалар бир бирдан 5 см, йириклари 10 см масофада жойлаштирилади. Ўтказишда пиëзчалар тупроққа ботирилади.

20. Пиëзларни парваршиллаш қатор ораликларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш, суғориш ва озиклантиришни ўз ичига олади. Қатор оралиғи эҳтиёткорлик билан 3-4 марта, ўсимликларни тупроққа кўмиб юбормаган ҳолда юмшатилади. Акс ҳолда пиëз бўйни кучли ўсиб кетади ва пиëзнинг пишиши кечикиб кетади.

21. Барглар ўсиб чиққач, ўсимликлар хар 1 м<sup>2</sup> майдонга 10 аммиакли селитра, 15 г суперфосфат ва 10 г калий хлорид солинган ҳолда озиклантирилади. Пиëзбошлар шакллана бошлаган даврда иккинчи озиклантириш ўтказилади. Бунда ҳам суперфосфот ва калий хлорид юқоридаги меъёردа берилади.

22. Аналик пиëзбошларни йиғишга барглари ётиб қолганда киришилади. Бунда эрта етилган йирик пиëзчали, бир текис катталикдаги ва уячадаги пиëзчалар сони навга хос типик бўлган уячалар танланади. Ўсимликлар суғуриб олинади ва қаторларга лента усулида жойлаштириб кўйилади. Хар 2-3 кунда пиëз эҳтиёткорлик билан ағдариб чиқилади. Об-ҳаво шароитларига боғлиқ равишда қуритиш очик майдонда 10-15 кун давом эттирилади.

23. Якуний қуритиш бостирма остида ўтказилади. Барглар қуриб, пиëзбошининг устки қатлами навга хос ранга кириши ва қуриши билан улар кесиб олинади, бунда пиëзбошининг бўйни 2-3 см дан ошмаслиги тавсия этилади.

24. Уруғлик учун нав учун типик шакл ва ранга эга бўлган диаметри 4-5 см катталикдаги оналик пиëзбошлар танланади. Аналик пиëзбошлар танлаб олингач улар яна яхшилаб қуритиб олинади, қуритиш 15-25 даража ҳароратда 10-5 кун мобайнида ўтказилади.

25. Қишки даврда оналик пиëзлар 3-5°C ҳароратда куруқ ертўлаларда тоқчаларда 35-40 см қалинликда ёки 10-20 кг ли яшиқларда сақланади. Ҳавонинг нисбий намлиги 75-80% дан ортиб кетмаслиги керак. Сақланувчанлиги паст навлар 1-2°C ҳароратда

сакланади. Саклаш даври якунида пиёзбошлар марказида ўсиш бошланади.

26. Уруғ оналик пиёзларни экиш оркали олинади. Экиш олдида ҳар бир пиёзбоши текширилади, касалланган ва вақтидан илгари кўкариб кетганлари брак қилинади.

27. Шимолий туманларда экишдан 10-12 кун олдин пиёзбошлар ярим иссиқ парникларда ёки штабелларда пиёзбошларни чиринди ёки тахта қириндиси билан қатламлаб кундузи 8°C, кечаси 5°C ҳароратда кўкартириб олинади. Узунлиги 3-4 см келадиган илдиз тутамлари пайдо бўлгач, пиёзбошлар ерга ўтказилади.

28. Баҳорда ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонга 10 г аммиакли селитра, 20 г суперфосфат ва калий хлорид ҳисобидан ўғит солинади. Оналик пиёзбошларни ўтказиш жуда эрта муддатда бошланади. Пиёзбошлар 10-12 см чуқурликдаги эгатларга экилади. Экиш чуқурлиги “елкаси”дан бошлаб 4-6 см. Қаторлар оралиги 70 см, қатордаги пиёзбошлар орасидаги масофа 8-10 см. Пиёзбошларни лента оралиги 50-60 см бўлган уч-беш қаторли ленталарга ҳам экиш мумкин. Бунда лентадаги қаторлар оралиги 30 см, қатордаги ўсимликлар оралиги 15 см.

29. Жанубий туманларда чучук ва ярим аччиқ навларнинг уруғликлари биринчи йил уруғидан етиштирилган оналик пиёзлардан ўстирилади. Оналик пиёзбошларни етиштириш учун экиш эрта ўтказилади. Уруғлар 1-2 см чуқурликка, икки қаторли ленталарга (ленталар оралиги 35 см ва лентадаги қаторлар оралиги 20 см) экилади. Ўсимликларда 2-3 та чинбарг пайдо бўлгач 5-8 см масофа қолдирилиб ягана қилинади.

30. Оналик пиёзбошларни уруғидан етиштиришнинг дастлабки фазаларида сўғориш ва органик ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш айниқса муҳимдир. Суюқ гўнг сув билан 6-8 марта суюлтирилади, минерал ўғитлар ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонга 5 г аммиакли селитра ва калий хлорид, 10 г суперфосфат ҳисобидан солинади.

31. Ўсимликлар пишиб етилгач оналик пиёзбошлар танлаб олинади. Танланган пиёзбошлар киш бошланишидан бир ой олдин ўтказилади. Пиёзбошлар илдиз отиб, янги чиқарган барглари 10 см га етганда ўсимликлар 8-10 см қалинликда тупроқ билан оқучка қилиб чиқилади. Эрта баҳорда ўсимликлар тупроқдан очиб чиқилади.

32. Исталган минтақада уруғлик пиёзлар мустаҳкам туриши учун улар 35-40 см баландликка эришганда оқучка қилиб чиқилади, гуллаш олдида эса уруғликлар қозикқа боғланади. Бунинг учун ҳар бир қаторнинг икки томонига 2 м масофага қозик қоқилади ва уларга ип шундай тортиладики, улар уруғликларни ётиб қолишдан асраб туриши керак.

33. Уруғ ҳосилдорлигини ошириш ва ўсимликларнинг пишиб етилишини тезлаштириш учун минерал озук берилди.


34. Уруғликлар ўсиб чиққан вақтда сохта ун шудринга қарши 1-1,5% ли цинеб эритмаси пуркалади.

35. Уруғликларни йиғиштиришга соябонларда пишган уруғли якка-якка ёрилган кўсакчалар пайдо бўла бошлаганда киришилади. Соябонлар 20-30 см узунликдаги ўзаги билан кесиб олинади, 12-15 тадан тўп-тўп қилиб боғланади ва бостирма остига осиб қўйилади. Полга брезент ёки плёнка тўшаб қўйилади, уларга тўкилган уруғлар йиғиб олинади. Жанубда соябонлар 3-5 см узунликдаги ўзаги билан кесилади ва қопларга жойланади. Соябонлар 8-10 см қалинликда брезент устида очик майдонда ёки бостирма остида қуритилади. Қуритилгандан сўнг соябонлар яна қопга солинади ва янчилади.

36. Уруғлар элакда, лотокда ёки сувда тозаланади. Бунинг учун уруғлар сувга 3-5 дақиқа чўккунича солиб қўйилади. Тўқ уруғлар сув тубига чўкади, пучлари ва чиқиндилар сув юзиде қолади. Сув

юзидеги энгил фракция олиб ташланади. Сув тубига чўккан уруғлар олинади, мато юзасига 1 см қалинликда ёйилади ва яхши шамоллатиладиган бинода 25-30 даража ҳароратда тез-тез аралаштирилган ҳолда қуритилади. Битта ўсимликдан 10-20 г гача уруғ олинади.

37. Уруғлик пиёз етиштиришда пиёз пашшаси, нематода, чириш касалликлари ва фузариоз сўлиш кўп учраб турадиган муаммолардандир. Агар ерингизда аввалги йилларда пиёз пашшаси кўп учраган бўлса, у ҳолда пиёзни уруғидан эмас, балки нўш пиёздан етиштиришнинг мақсадга мувофиқдир. Фузариоз ва чириш касалликлари учраб турадиган майдонларга эса чидамли F1 дурагайлари экилади. Юқоридагилардан ташқари яна кўпгина касаллик ва зараркунандлардан пиёз ҳосилига хавф солиши мумкин. Тупрокни тўғри танлай билиш ва агротехника талабларини меъёрида бажариш оркали бу муаммоларни бартараф этиб, мўл пиёз ҳосили етиштириш мумкин.



Swiss Agency for Development and Cooperation SDC

**Ушбу буклет Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликлариде зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.**

**Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:**

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУВАВ ИТИ)

**Манзил:** 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

**Тел.:** (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

**Факс:** (+99871) 220-26-48

**Эл. почта:** [mevaiti@qsv.uz](mailto:mevaiti@qsv.uz), [meva-uzum@exat.uz](mailto:meva-uzum@exat.uz)

Буриев Х.Ч. – (+99890) 358-38-62,

Абдикаюмов З.А. – (+99890) 946-15-51

**Тузувчилар:** Буриев Х.Ч., Абдикаюмов З.А., Турабоев А.Н.  
Проф. Х.Ч.Буриевнинг умумий таҳрири остида

**Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик,  
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот  
институти**

**Томорқа ва фермер хўжаликлариде  
маҳаллий пиёз навлари уруғчилиги  
бўйича тавсиянома**



**Тошкент – 2015**